

КОРОНАВИРУС ИНФЕКЦИЯСИ БИЛАН КАСАЛЛАНГАН ХОМИЛАДОР ВА ТЎҒРУҚ БОСҚИЧДАГИ АЁЛЛАРДА КАСАЛЛИКНИНГ КЛИНИК КЕЧИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Абдурасулова Шохиста Бахтиёр қизи

Тошкент тиббиёт академияси, Ўзбекистан

Турсунов Хасан Зияевич

Тошкент тиббиёт академияси, Ўзбекистан

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7140222>

Аннотация. Ушбу мақолада Коронавирус инфекцияси билан касалланган хомилдор ва тўғруқ босқичдаги аёлларда касалликнинг клиник, лаборатор, морфологик кечиш хусусиятларини ўрганишга бағишланган бўлиб, Тадқиқот Тошкент шаҳар 3-сон туғруқ комплекси, гинекология бўлимларида 2020-2022 йил карантин даврида ётиб даволанган COVID—19 инфекция билан касалланган хомилдор беморларни касаллик тарихлари ўрганилди. COVID—19 инфекция кечишининг ўзига хос хусусиятлари бўйича сўнгги эпидемиологик маълумотларда ҳомилдорлик пайтида COVID—19 она ва ҳомила учун хавфнинг йўқлигини кўрсатади. Ҳомилдор аёлларда вирус юқтирилгандан кейин касалликнинг давомийлиги шунга ўхшаши ёшдаги аёлларникидан фарқ қилмайди.

Калит сўзлар: коронавирус инфекцияси, компьютер томографияси, истма, йутал, бош оғриқ, холсизлик, эпидемик босим, профилактика.

ОСОБЕННОСТИ КЛИНИЧЕСКОГО ТЕЧЕНИЯ ЗАБОЛЕВАНИЯ У БЕРЕМЕННЫХ И КОРМЯЩИХ ЖЕНЩИН С КОРОНАВИРУСНОЙ ИНФЕКЦИЕЙ

Аннотация. Данная статья посвящена изучению особенностей клинического, лабораторного, морфологического течения заболевания у беременных и кормящих женщин с коронавирусной инфекцией, а также изучению истории заболевания беременных пациенток с инфекцией COVID-19, которые лечились лежа в период карантина 2020-2022 годов в родильный комплекс № 3, отделения гинекологии города Ташкента. В последних эпидемиологических данных об особенностях течения инфекции COVID—19, COVID—19 во время беременности указывает на отсутствие рисков для матери и плода. Продолжительность заболевания после заражения вирусом у беременных женщин ничем не отличается от таковой у женщин аналогичного возраста.

Ключевые слова: коронавирусная инфекция, компьютерная томография, температура, кашель, головная боль, слабость, эпидемическое давление, профилактика.

FEATURES OF THE CLINICAL COURSE OF THE DISEASE IN PREGNANT AND LACTATING WOMEN WITH CORONAVIRUS INFECTION.

Abstract. This article is devoted to the study of the features of Clinical, Laboratory, morphological course of the disease in pregnant and lactating women with coronavirus infection, and the study studied the history of the disease of pregnant patients with COVID-19 infection, who were treated lying down during the quarantine period 2020-2022 in the maternity complex No.-3, gynecology departments of Tashkent City. In the latest epidemiological data on the peculiarities of the course of COVID—19 infection, COVID—19 during pregnancy indicates the absence of risks to the mother and fetus. The duration of the disease after infection with the virus in pregnant women is no different from that of women of a similar age.

Keywords: *coronavirus infection, computed tomography, temperature, cough, headache, weakness, epidemic pressure, prevention.*

КИРИШ

Муаммонинг долзарблиги: Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси замонавий тиббиётида аёлларнинг ҳомиладорлиги ва болаларнинг соғлом туғилиши долзарб. Бу борада тинимсиз изланишлар олиб борилиб, касалликларни келиб чиқиш сабаблари аниқланмоқда, муолажа қилинмоқда [1-2]. Ҳозирги кунда аёлларда жинсий аъзолар касаллиги жуда кўпайиб бормоқда, Бундан ташқари ҳозирги кунда янги касалликнинг тарқалиши, коронавирус (COVID—19) сабаб бўлган ўткир респиратор синдроми 2019 йил декабрда Хитойда пайдо бўлгани ва бошқа мамлакатларга тарқалгани такидлаб утиш жоиз. Бундан ташқари ҳомиладор аёлларда ҳар йили дунё бўйича 500000 аёлда биринчи марта бачадон бўйни раки аниқланади ва қарийб беморларнинг ярмида ўлим ҳолати кузатилади [3,4,11]. Ўзбекистонда бу кўрсаткич ҳар 100000 аҳолига 5,8 тани, онкопатологиялардан кейинги ўлимнинг 3,9%ини ташкил қилади [7].

ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) 30 январь 2020 йилда (COVID—19) касаллигини авж олиши глобал соғлиқни сақлаш фавқулудда ҳолатини эълон қилди. COVID—19 касалликнинг 11 март 2020 йил кунги касалланиш кўрсаткичи 80000 ҳолатга етганлиги COVID—19 пандемияни эълон қилинишига сабаб бўлган [8-9]. Иммуносупрессия даврида ҳомиладор аёлларда ўткир респиратор касалланиш (ЎРВИ), COVID—19 билан касалланиши ҳомиладор аёлларда асоратлар хавфи юқори бўлган, ушбу контингентни касалхонага ётқизиш 4 барабар юқори бўлган умумий аҳолига қараганда [10-11]. Ўткир респиратор касалланиш (ЎРВИ), COVID—19 билан касалланган ҳомиладор аёлларнинг тахминан 50% интенсив даволанишга, 33% алоҳида изоляцион бокс хоналар реаниматсион даволанишга ва ҳомиладор аёлларнинг ўлим даражасига бу даврда 25% га етди [12].

Коронавирус инфекцияси билан касалланган ҳомиладор ва тўғруқ босқичдаги аёлларда касалликнинг клиник, лаборатор, морфологик кечиш хусусиятларини ўрганиш.

Тадқиқот материаллари ва усуллари: Тадқиқот Тошкент шаҳар 3-сон туғруқ комплекси, гинекология бўлимларида 2020-2022 йил карантин даврида ётиб даволанган COVID—19 инфекция билан касалланган ҳомиладор беморларни касаллик тарихларини ретроспектив тахлили олиб борилди.

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

COVID—19 билан касалланган ҳомиладор аёлларнинг 29 нафар (7,5%) да касаллик симптомсиз бошланди, клиник белгилари бошланган касаллик янги аниқланган 356 нафар (92,5%) ҳомиладор аёлларда истма 259 нафарида (67,3%), йўтал 253 нафар (65,7%), нафас қисилиши 28 нафар (7,3%); ич кетиши 28 нафар (7,3%); томоқ оғриғи 27нафар (7,0%); чарчаш 27нафар (7,0%); миалгия 24 нафар (6,2%);ва титраш 21нафар (5,5%) кузатилди.

Бошқа касаллик аломатлар камроқ учради кам 5% аёлларни ташкил қилди. Бурун тикилиши, тошмалар, балғам ҳосил бўлиши, бош оғриғи, уйқусизлик ва иштаҳа йўқолиши. 19 нафар (4,9%) аёлларда учраб, бу аломатлар туғруқдан кейинги даврда пайдо бўлди.

Полимераза занжири реакцияси усули (ПЦР) ёрдамида COVID—19 ни лаборатория томонидан тасдиқлаш 346 нафар (89,9%) аёлларда амалга оширилди. Намуналарни бурун-томоқ йулидан олинди. Бундан ташқари, сийдик, нажас ва балғам намуналари ҳам тўпланган. Клиник ва рентген текширув белгилари 39 нафар (10,1%) аёлларда ташхис учун асос бўлиб хизмат қилди. Кўкрак қафаси рентгенологик текширувлари (компютер томографияси - КТ) 161нафар (41,8%) аёлларда ўтказилди. КТ (компютер томографияси) малумотларига кўра ўпка яллиғланиши типик икки томонлама белгилари 99 нафар (79,2%) хомиладор аёлларда ва бир томонлама яллиғланиш белгилари 22 нафар (17,6%) беморларда кузатилди, 4 нафар (3,2%) аёлларда патологик ўзгаришлар йўқ еди. Текширувмиздаги 1 нафар (0,8%) беморда плевра пардаларининг қалинлашуви, 9 нафарда (7,2%) диффуз ўзгариш, 1 нафар (0,8%) да ўпка ателектази кузатилди.

Тадқиқотимиздаги беморларнинг лаборатория натижаларининг ўзгаришида қуйидагича: D-dimer даражасининг ошиши — 86 нафар (22,3%) ҳолатда C-реактивнинг ортиши протейн-72 нафарда (18,7%) аёлларда, лимфоцитопения — 54 нафар (14,0%), жигар ферментларининг ўртача кўпайиши (аспартат аминотрансфераза АСТ — 22 нафар (5,7%) беморларда, аланин аминотрансфераза АЛТ -21нафар (5,45%)беморлар), тромбоцитопения-4 нафар (1,0%) кузатилди.

COVID—19 инфекция фонида туғилиш содир бўлди 252 нафар (65,5%) аёлларда, хомиладорлик 124 нафар (32,2%) аёлларда давом этди. Таббий аборт 6 нафар (4,8%), 4 нафари (3,2%) ўз-ўзидан аборт, 2 нафари (1,6%) бачадон найи хомиладорлик сабабли булди. COVID—19 инфекция фонида касалликнинг оғирлик даражаси ўрганилганда енгил даража 368 нафар (95.6%) аёлларда, 14 нафари (3.6%) оғир ва 3 нафари (0.8%) ўта оғир даража аниқланди. Шуни ҳисобга олиш керакки, кўпинча COVID—19 инфекция аломатлари билан касалхонага ётқизилган хомиладор беморлар режалаштирилган кесарча кесиш операцияси билан туғруқ жараёнларини амалга ошириш “эпидемик босим ” сабаб бўлади.

МУҲОКАМА

Ҳозирги вақтда COVID—19 инфекция билан оғир касалланиш асоратлари хомиладорликнинг биринчи триместрида кузатилмади.

COVID—19 инфекция кечишининг ўзига хос хусусиятлари бўйича сўнгги эпидемиологик маълумотларда хомиладорлик пайтида COVID—19 она ва ҳомила учун хавфнинг йўқлигини кўрсатади. Хомиладор аёлларда вирус юктирилгандан кейин касалликнинг давомийлиги шунга ўхшаш ёшдаги аёлларникидан фарқ қилмайди.

ХУЛОСА

Сўнгги маълумотлар шуни кўрсатадики, COVID—19 инфекциянинг вертикал юқиши ва ҳомила ривожланиши ўртасида боғлиқлик йўқ. Шу муносабат билан хомиладор беморларни бошқаришда акушерлик кўрсаткичлари ва она- ҳомила саломатлиги ҳолатини ҳисобга олган ҳолда идивидуал бўлиши керак. Бу муҳим ҳозирги COVID—19 пандемияси вақтида беморда психологик стрессни келтириб чиқаришини ҳисобга олиш ва хомиладорлик пайтида жуда салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлганлиги хомиладор аёлларда ташвишни оширади. Шу билан бирга, албатта, тегишли профилактик тавсияларни амалга ошириш зарурлигини ёдда тутиш керак ва карантин изоляцион чора-тадбирларни амалга ошириш керак.

REFERENCES

1. Нажмутдинова Д.К., Юлдашева Д.Ю., Садикова Д.Р., Шодиева Х.Т. “Акушерлик ва гинекологиядаги инновацион амалиётлар”. Ўқув кўлланма. -Ташкент. “RIO TMA” нашриёти. 2019 й
2. Аупова.Г.М, Жаббарова Й.Қ. “Гинекология”. Дарслик. - Тошкент. “Меҳридаре” нашриёти. 2015 й.
3. Анализ результатов хирургического лечения рака шейки матки пациенток фертильного возраста - В.С. Наврузова Республиканский онкологический научный центр Министерства здравоохранения Республики Узбекистан.2015й
4. Горобцова В.В., Ковалев А.А. Рак шейки матки: актуальность проблемы, принципы лечения. // Главный врач Юга России. 2016; 1 (48): 63–66.
5. Под редакцией В.Е. Радзинского и А.М. Фукса. « Гинекология». Учебник. -Москва. ГОЭТАР-Медиа. 2014 г
6. Н.Ш. Юлдашева, В.С. Наврузова Рак шейки матки.(монография). Тошкент2014;8-64.
7. WHO — World Health Organization. Coronavirus disease 2019 (COVID-19) Situation Report — 41. 2020a. Available at: <https://www.who.int/docs/default-source/coronaviruse/situationreports/20200301-sitrep-41-covid-19.pdf>. sfvrsn=6768306d_2
8. Elshafeey F., Magdi R., Hindi N. et al., A systematic scoping review of COVID-19 during pregnancy and childbirth // Int J. Gynaecol. Obstet. — 2020. doi: 10.1002/ijgo.13182.
9. Jamieson D.J., Honein M.A., Rasmussen S.A. et al. Novel Influenza A (H1N1) Pregnancy Working Group. H1N1 2009 influenza virus infection during pregnancy in the USA // Lancet. — 2009. — Vol. 374. — P.451-458. DOI: 10.1016/S0140-6736(09)61304-0
10. Makhmudova G.F. Age-related clinical, anatomical and morphological features of malignant tumors of the cervix// Journal of science and technology//2021.
11. Wong S.F., Chow K.M., Leung T.N. et al. Pregnancy and perinatal outcomes of women with severe acute respiratory syndrome // Am. J. Obstet. Gynecol. — 2004. — Vol. 191. — P. 292-297. DOI: 10.1016/j.ajog.2003.11.019